Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 125 (5416)
4 ИЮНЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШДА

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ VIII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII халқаро кинофестивали тараққийпарвар экран устаси санъати билан соцнал адолат, инсонпарварлик, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликнинг буюк ғояларини қарор топтиришга бўлган муддаосини намойиш қилди. Уч қитъа кинематографчилари ютуқларининг ёрқин кўриги ўртоқ К. У. Черненконинг Тошкент анжуманига қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриклари қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табригида таъкидланмоқда: тараққийпарвар кино санъатида нотинч замонамиз ҳаққоний акс эттирилмоқда, бу дунёда ақл-идрок ва бунёдкорлик кучларининг телбалик ва вайронгарлик кучларига қарши кураши давом этмоқда, деган фикрнинг ёрқин исботи бўлди.

2 июнь куни фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари йиғилган ишларга, «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остидаги ижодий изланишларни яна ҳам ясаш учун Тошкентдаги Санъат саройига йиғилдилар.

Ўртоқ К. У. Черненко фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасидаги дўстона ва илиқомбахш сўзлар халқимизни ғоят тўлқинлантириб юборди. Табрикномада тинчлик, озодлик ва демократия учун курашда кинематографиянинг жуда катта таъкидлаб ўтилди, — йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб кинофестиваль Ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари С. У. Султонов. У ўз ишини тамомлаган сўзга чиққан ижодкорлар чинакам ижодий байрами сифатида ўтганини зўр мамнуният билан уқтириб ўтди.

Фестиваль программасига кирган «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ролини» мавзусидаги кинонинг ёпиқ намойиши муносабати билан ўтказилган «Тинчлик ва халқлар дўстлиги учун кураш» мавзусидаги ижодий ижодкорлар ўртасида қизғин фикр алмашиш бўлиб ўтди.

Фестиваль программасига киритилган 240 та бадиий ва ҳужжатли фильм киритилди. Уларнинг ҳаммаси биргаликда халқлар ҳаётининг кенг манзарасини, уларнинг орзу-умидларини, фикр-ўйлари ва ташвишларини акс эттирди. Фестивалга тақдим этилган барча ленталар Бош дирекция таъсис этган дипломлар билан, 43 таси эса жамоат ташкилотлари, газета ва журналлар редакцияларининг совринлари ҳамда дипломлари билан тақдирланди.

Республикамизнинг барча томошаларида кинофестиваль ишининг боришини зўр қизиқиш билан кузатиб турдилар. Шу нарса қувончлики, Ўзбекистон меҳмонлари мана шу байрам кунларида кўпдан кўп янги дўстлар орттирдилар, бу йил ўзининг 60 йиллигини нишонлайдиган республика меҳнаткашларининг ишлари билан танишдилар. Уч қитъа вакиллари, кинокўрикнинг кўпдан кўп меҳмонлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётган Совет халқининг сиёсатини яхши билдилар. Бу ерда барча кишилар кўллаб-қувватлаётган яққол намойиш қилди. Уч қитъа кинематографчилари империализмга, мустамлакачиликка, терроризмга ва ирқчиликка қарши курашаётган халқлар билан бирдамлик митингларида ҳам антив иштирок этдилар. Тошкент халқаро кинофестивалининг обрўси ва нуфузи йил сайин ўсмоқда. Бу гал фестивалда 92 мамлакатдан, халқаро ва миллий ташкилотлардан 540 дан ортиқ ижодкор ва меҳмон қатнашди.

Расмий ва ахборот кўрсатувлари программасига

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари—амалда!

ИШЧИЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯЛАР

Ленин районини ҳақли равишда ишчилар синфи бешиги деб аташади. Совет ҳокимиятининг дастлабки давридаёқ бу ерда шаҳардаги саноат ва транспорт ишчиларининг ярмидан кўпроғи ишлар эди. Ҳозир районда 30 мингдан зиёд саноат ишчилари фаол меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг олтин қўллари билан яратилаётган маҳсулотлар жаҳонининг 40 дан зиёд мамлакатига жўнатилмоқда. Районда қурувчиларнинг катта отряди иш олиб боряпти. Эски, тор кўчалар ўрнида янги замонавий магистраллар, кўп қаватли бинолар қад кўтарди. Районнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда транспорт юксак даражада ривож топган.

Районнинг ишчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора кенг авж олдириб, янги муваффақиятларга эришмоқдалар, ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар, район партия ташкилоти раҳбарлиги остида КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шу кунларда районнинг барча меҳнат коллективларида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, электр энергияси, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш борасида кўп иш қилинмоқда. Бунга аввало ишчилар маҳоратини ошириш, уларнинг меҳнат ва снёй активлигини кучайтириш, фантехника ютуқлари ва илғор тажрибаларни қўллаш туфайли эришилмоқда. Бу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни, шу жумладан лекция пропагандасини оқилона ташкил этиш, унинг таъсирчанлигини оширишга боғлиқ, албатта.

— Биз лекция пропагандасини юбилей шарафига зиммага олинган юксак мажбуриятларни бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг муҳим воситаси деб биламиз,— дейди «Билим» жамияти район ташкилоти правленнеси ранси, профессор, экономика фанлари доктори Г. С. Севликянц.

Бунда эса мазмунан чуқур, ёркин ва ҳамма учун тушунарли лекцияларгина муҳим роль ўйнаши аён, албатта. Бундай лекциялар ишчиларнинг билим доираларини кенгайтирмоқда, уларнинг газета-журналларда ўқиб, радио ва телевиденида кўрган-эшитганларига қандайдир даражада янгилик қўшмоқда, уларнинг савияларини оширмоқда.

Лекцияларнинг ишчиларга тушунарли бўлиши учун кўп иш қилинмоқда. Энг аввало, олимлар бевосита меҳнат коллективлари ҳузурига, цех ва бригадалар, қурилиш майдонларига коллектив равишда бориб лекциялар ўқишяпти. Район ташкилоти президиумининг мажлисида Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг иш тажрибаси маъқулланди. Бу институт олимлари Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг цехларида мунтазам равишда КПССнинг ички ва ташқи снёсати актуал масалалари бўйича лекциялар ўқишмоқда.

— Цехларда ўқилаётган лекциялар, —дейди завод партия комитети секретарининг ўринбосари И. Норматов,—ишчиларга партиямизнинг иқтисодий снёсатини янада чуқурроқ ўрганишда ёрдам беряпти, уларни янги марраларга чорлаяпти.

Район меҳнат коллективларида оммавий пропагандаанинг қуйидаги формаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда: лекциялар туркуми ўқиш, лекторийлар, халқ университетлари ва бошқалар. Айниқса Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти темир йўл транспорти ишчилари ўртасида ўз фаолиятини активлаштириб юборди. В. И. Ленин номли электрон-техника заводи, «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда ҳам лекция пропагандасини кучайтирдилар.

Умуман районда лекция пропагандаси социалистик мажбуриятларни бажариш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориляпти. Масалан, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти лекция пропагандасида социалистик мусобақанинг ленинча принципларига риоя қилишга асосий эътиборни қаратмоқда. Бу— мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, натижаларини таққослаш, илғор тажрибани қўллаш ва бошқалар. Лекторлар активи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига мусобақанинг қандай бораётгани билан қизиқмоқдалар, унинг якунларини кўриб чиқиш вақтида қатнашмоқдалар, илғорлар тажрибасини пропаганда қилмоқдалар.

Бу борада «Учқун» бирлашмасининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти таҳсинга сазовордир. Бу ерда илғор тажрибаларни пропаганда қилишга бевосита мусобақа илғорлари, рационализатор ва ихтирочилар кенг жалб этиляпти. Бу иш бригада ва участкаларда яхши йўлга қўйилган. Кўпгина цехларда илғорлар иш тажрибаси ҳақидаги лекциядан сўнг янгича ишлаш усулларни амалда кўрсатиб бериляпти. Масалан, ном қозонган ихтирочи ва рационализатор Л. Потаповичч фрезерлашнинг янги усулларини кўрсатди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, токарь А. Хоральский токарлик ишидаги янгиликлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бу лекциядан сўнг у бевосита дастгоҳ олдига келиб ана шу янгиликларни амалда кўрсатди. Лекцияни ҳаёт билан ана шундай узвий боғлаб олиб бориш ишчиларга жуда маъқул тушмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» заводининг металлургларни билан учрашув чоғида сўзлаган нутқида ишчи синфига ва унинг таянчи бўлган кадр ишчиларга юксак баҳо берди. У идеологик ва, снёсий-тарбиявий ишларни бевосита меҳнат коллективларида янада кучайтириш кераклигини таъкидлаб ўтди. Ленин район партия комитети раҳбарлиги остида «Билим» жамиятининг район ташкилоти ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ишчи учун ёркин ва тушунарли бўлган лекция пропагандаси олиб боришга интилмоқда, ўзининг бутун фаолиятини шунга қаратмоқда.

Б. ГОЛЬДИН,

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг аъзоси, доцент, тарих фанлари кандидати.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБЛР ҚИЛАДИЛАР



ПОЛЬША. Свиднцкдаги транспорт жиҳозлари заводи Совет Иттифоқи етказиб берган техникавий ҳужжатлар асосида вертолётларни ишлаб чиқаради. Ўзини оқлаган «МИ—2» вертолётлари врач ва геодезиячиларнинг, энергетиклар ва қурувчиларнинг, монтажчи ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди.

Завод ўз маҳсулотларининг аксарият қисмини социалистик мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига жўнатади.

СУРАТДА: Свиднцкдаги заводда «МИ—2» вертолётларини йиғиш жараёни.

ЦАФ-ТАСС фотоси.

Совет буюртмалари асосида

ПРАГА. Совет Иттифоқининг Озиқ-овқат программасини бажаришда қатнашиш—Чехословакия машинасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида янги йўналишдир. Совет Иттифоқининг аграр саноат комплекси учун буюртмаларни бажариш — Прага, Брно, Оломоуца ва республикадаги кўпгина бошқа шаҳарлар машинасозлари н и н г муҳим вазифасидир.

Чехословакия СССРга суғориш ишларида фойдаланадиган техника, нуқул металлдан ишланган элеваторлар, тегирмон агрегатлари, токозорлар учун кичик тракторлар, ветеринария препаратлари етказиб бермоқда. Шу беш йилликда 1 миллиард 800 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар тайёрланади. Бу —Чехословакия машинасозлиги маҳсулот экспорти умумий ҳажмининг 10 процентидан кўпроғидир.

Совет Озиқ-овқат программасини амалга оширишда қатнашиш республиканинг бутун экономикаси учун катта аҳамиятга эга. СССРнинг буюртмалари энг катта саноат корхоналарининг тўла қувват билан ишлашини таъминлайди, уларни перспектив ривожлантириш негизини ташкил этади. Хрудим шаҳридаги «Транспорт» бирлашмасининг ўзгина бултур «Ростсельмаш» меҳнатчиларига тайёр ҳолда еттита омбор етказиб берди. Буларнинг ўзига хос хусусияти шуки, омбор ишлари тўла-тўкис автоматлаштирил г а н дир.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР



Шаҳримиздаги 1-ёғочни қайта ишлаш заводининг ө-цехи коллективи серқуёш диёримизнинг қутлуғ юбилейи шарафига юксак унумдорлик билан меҳнат қилмоқда. Цехнинг ҳар бир ишчиси ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Цехнинг М. Бальтис ҳамда Б. Мажидов бошлиқ комплекс бригадалари эришаётган кўрсаткичларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ушбу коллективлар ойлик план_топшириқларни 110—115 процентдан адо этиб, бошқа бригадаларга ибрат бўлишмоқда. Н. Иванов, С. Муртазоев, Г. Каримов, Г. Павлов ва бошқа илғорлар қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса қувончли бўлмоқда. С. Назаркин, В. Маврин, А. Раҳимов, Э. Шоёқубов, Р. Бобоназаров сингари фидокорлар эса республика юбилейини йиллик топшириқни бажариш билан кутиб олишга бел боғлашган.

У. УСМОНОВ.

СУРАТДА: цехнинг катта мастери З. Аюпова ҳамда илғор бригада бошлиғи Б. Мажидов.

Автор фотоси.



ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОСТОНАСИДА...

Эътиборсизлик оқибати

Газетхонлар редакцияга йўллаган хатларда шаҳар электр тармоқлари корхонасида, баъзи ётоқхоналарда, ободончилик ишларида, «Автодормехбаза»ларда аҳолига қониқарсиз хизмат кўрсатилаётганлигини ёзишган. Улар ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратиш борасида нималарга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида ўз истакларини билдиришган. Биз ана шу хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бетимнинг қалини...

Кўчамиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи Марина Раскова номи билан аталади. Бундан ўтган йил муқаддам ўрнатилган снмёғочлар бугунги кунда кўчамизга ярашмай қолди. Сабаби снмёғочлар паст бўлганлигидан дарахтлар орасига кириб кетган. Очилиб ётган снмлар шамол турди дегунча бир-бирига тегиб, чироқларимиз ўчаверади, ўчаверади.

Бу ҳақда мутасадди ташкилотларнинг хабари бор. Лекин улар «Бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури» қабилида иш кўриб, бир неча йилдан бери кўчамиздаги снмёғочларни бетон устунлар билан алмаштиришмаётир.

А. АБДУҒАНИЕВ,

М. Раскова кўчаси, 19-уй, пенсионер.

Ким ва қачон?

Бундан бир неча ой илгари Ботуми кўчасининг Уста Ширин кўчасидан трамвай йўлига қадар бўлган масофасида ремонт ишлари бажарилиб, кўча кавланган эди. Иш битди, асфальт ётқизилди. Лекин снфатсиз. Ҳозир кўчанинг ўпирилиб, чуқур бўлиб ётган ердан ўтаётган йўловчи ва транспорт ҳайдовчилар жуда қийналишмоқда. Киров районида жойлашган бу йўлни ким ва қачон тузатади ўзи!

Ж. АБДУЛЛАЕВ,

Ботуми кўчаси, 18-уйда яшовчи меҳнат ветерани.

Ўтишга жой йўқ

Биз Максим Горький проспектидаги 2-уйда истиқомат қиламиз. Уйимизга кираверишга сон-саноқсиз қатор дўконлар ўрнатиб уйимизни тўсиб, қуршов ичида қолдиришди.

Ҳозир уйимизга кириб-чиқиш учун йўлак ҳам йўқ. Нега энди Куйбишев район ижроия комитетидагилар йўловчиларга халақит берадиган дўконлар ўрнатишга рухсат беришади!

А. ИБРОҲИМОВ,

хизматчи.

«Вассалом, гап тамом»

41-71-01 телефонни кимники деб сўраяпсизми! Киров район «Автодормехбаза»синики. Ҳа-ҳа нишонмасангиз ўзингизга қўнғироқ қилиб кўринг. Диспетчер сўзингизни эшитар-эшитмас худди роботга ўхшаб «Машина йўқ, вассалом, гап тамом» деб трубкани қўяди.

Сиз, оғиз жуфтлаб, Гиссарский кўчасининг Энгельс билан Шаҳристон кўчалари чорраҳасида ахлат уюмларн бир неча ойдан бери олиб кетилмаётганлигини айтмоқчи бўлган гапингиз оғзингизда қолади. Биз бир неча маротаба қўнғироқ қилиб кўрдик. Ҳар кунн аҳвол шу. Вассалом, гап тамом.

Э. АСАТОВ,

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигига қарашли лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси директори, техника фанлари кандидати.

24-06-57 телефонн эса Н. Мкроненко бошчилик қилаётган 38-уй-жойлардан фойдаланиш участкасига қарашлн. Юнусобод массивининг 5—1 кварталндаги 45, 46, 47, 48-уйлар атрофи, 6-кварталдаги 7-уйлар ёнида чиқинди уюмларига тўла бошлаганда ёрдам сўраб, 38-ЖЭУга қўнғироқ қилдик. Ҳеч қандай натижа бўлмади.

Чиқиндиларнн олиб кетадиган машина 10—15 кунда бир келса келади, бўлмаса у ҳам йўқ. Киров район «Автодормехбаза»сидагилар «Вассалом, гап тамом», дегандан кўра чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш тадбирларнни кўришса мақсадга мувофиқ бўлардн.

С. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

«Союзузбекгазпром» ходими.

РЕДАКЦИЯДАН: Оқшомхонларнинг шикоятлари жуда ўринли. Шаҳар электр тармоқлари корхонаси, Киров ва Куйбишев район ижроия комитети, «Средазкабель» бирлашмаси раҳбарлари, шаҳар «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трестидагилар газетхонлар хатларида келтирилган камчиликларга нима дейишар экан?


• Қурилиш индустрияси янгиликлари

МЕТРОДА—КУЛОЛЧИЛИК

Кулолчилик санъати қадимий бўлиб, уни усталар ўз маҳоратлари билан ривожлантириб келмоқдалар. Бизнинг замонамизда кулолчилик санъати барқ уриб ўсмоқда, унга янгидан жило берилмоқда. Бу санъат турли хил нақшдор кўза, гулдон ва шуларга ўхшаш сопол буюмлар билан бир қаторда парк-боғлар, хиёбонларга чирой бахш этмоқда. Мана, кулолчилик санъати биринчи бор метро станцияларн пардозида ҳам қўлланила бошланди. Бу ўринда Ўзбекистон ССР бадиий фондига қарашли Тошкент амалий санъат ижодий тажриба комбинати коллективи амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир.

Тошкент метросининг иккинчи линияси биринчи навбати станцияларида пардозлаш ва сайқаллаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Ер ости бекатлари пардозида кулолчилик санъати намуналаридан кенг фойдаланиляпти. Безак ишларида қатнашаётган Ч. Ахмаров, С. Султонмуродов, О. Хабибулин, А. Қаюмов, Р. Муҳаммаджонов каби рассомлар билан бир сафда «Ойбек» станциясининг бадиий безаги бўйича кулолчи-рассом Маҳмуд Мамажонов ҳам иш олиб боряпти. У метро станциясининг устунларига ишлов бермоқда. Бу санъатда рангларнинг нафислиги, шаклларнинг бўёқлар воситасида ўзаро сеҳрли, нозик боғланиши кишини ром этади. Шакллардаги аниқлик, мавж уриб турган кулолчилик санъати намуналарида атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг асарларидагидек миллийлик, тарихийлик кўз ўнгимизда намоён бўлади. Устунлардаги бу кулолчилик, бўрттириб ишланган безаклар тарихий обидаларни эслатиш билан бирга замонавийлиги, оригиналлиги билан эътиборни жалб этади. Ижодкорнинг орнаментларидаги бу бўртма нақшлари ва бўёқларнинг гўзаллиги рассомнинг кулолчилик санъати тарихини, унинг барча сир-асрорларини пухта ўрганиб олганлигидан далолат беради. У халқ ҳаётини, ўтмишини ва халқимизнинг назокат-намуналарн.





бўёқларнинг хилма-хиллиги ва мазмундорлиги томошабинни ҳайратга солади. Уста-рассом Маҳмуд Мамажонов кулолчилик санъатининг сирларини Ўзбекистон ССР халқ рассоми Муҳиддин Раҳмоновдан ўрганган. У шакли ва ранги хилма-хил қилиб ясалган сопол буюмлари, нақшдор идишлари билан республика ва иттифоқ миқёсидаги амалий санъат кўргазмаларида фаол қатнашган. Республикамизнинг кўпгина шаҳар, районлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча безак ишларини амалга оширган.

Метронинг «Ойбек» фосат шайдоси эканлигини чуқур ҳис қилади.

— Кулолчилик санъати, бу борада қилинадиган иш осон эмас, — дейди рассом-кулол Маҳмуд Мамажонов. — Бу санъат мураккаб, ўзига хос. Дастлаб, гилдан тайёрланган маҳсулот ташқи таъсирга чидамлилигини ошириш учун ачитилади, шу йўл билан ундаги минерал тузлар иложи борича камайтирилади. Тайёрланган лой қўлда ишланади, пишитилади. Булар метрода бўрттирнб ишланган нақшларнинг сифатини оширишга асос бўлади. Бунда ангоб, эмал, рангли ва рангсиз сирлар (глазур)дан кенг миқёсда фойдаланилади. Мана шулар натижасида нақшлардан кўзланган мақсадга эришилади.

Ҳақиқатан ҳам, уста рассом М. Мамажонов гайрат билан меҳнат қилиб, станциядаги кулолчилик санъати бўйича белгиланган вазифани муддатидан бир йил олдин адлага оширди. Бу билан уста рассом ўзига берилган топшириқни шараф билан бажарди. Бунинг учун у меҳнатга масъулият билан ёндошиб, барча ижодкор ёшларга ўрнак бўлиш йўлида бутун маҳоратини ишга солди. Уста рассомнинг бу ижодий меҳнати юксак баҳоланди. Станция устунлари безаги фрагменти намуна сифатида Бутуниттифоқ кўргазмасидан муносиб ўрин эгаллади.

А. ПУЛАТОВ,
педагогика фанлари кандидати.
Н. ОЙДИНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Ойбек» станцияси устунларига ишланган кулолчилик безак-намуналари.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БОНН. АҚШ «Першинг—2» ракеталарини Ғарбий Европа территориясида тез суръатлар билан жойлаштирмоқда. ГФР урушга қарши ҳаракат вакили Михаэль Лумпф Американинг ракета базаси жойлашган Мутланген шаҳрида шу гапни айтди. Ҳозиргача жами камида 30 та «Першинг—2» ракетаси жойлаштирилган. Ракеталар Мутланген, Нейльбронн ва Ной-Ульмдаги АҚШ базаларига самолётларда мунтазам келтирилиб турибди. Шу базаларга туташиб кетган ўрмон массивларида янги ракета қурилмаларидан фойдаланган ҳолда муттасил машқлар ўтказиб турилибди, деди Лумпф.

Ракетага қарши ҳаракат Ғарбий Германия қатнашчилари, деб уқтирди у, Мутлангендаги база яқинида чодирлардан иборат доимий тинчлик лагери ташкил қилишган. Биз аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Бунда биз Америкаиинг биринчи зарба ракеталарини ГФРда жойлаштирила бошлаганидан буён Европада ядровий можаро хавфи, аввало Федератив Республика учун кескин равишда ўсганлигини таъкидламоқдамиз. Шу боисдан ҳам ғарбдаги немисларнинг тобора кўпчилиги мамлакат «Першинг—2» ракеталари учириладиган майдончага айлантирилишига «Йўл қўймаймиз!» деб қатъиян айтмоқдалар.

* * *

ЛОНДОН. Гондурас пойтахти — Тегусигальпа аҳолисидан 30.000 га яқин киши Лотин Америкасидаги ана шу мамлакатни Рейган маъмурнятининг региондаги агрессив снёсатига тортиш кучайиб бораётганлигига қарши ўтказилган жуда катта норозилик намойишида қатнашди. Рейтер агентлигининг хабар беришича, намойишчилар «Янкилар, Гондурасдан жўнаб қолинг!», «Америкаиинг денгиз пиёдалари — Марказий Америкадан туёғингизни шиқиллатинг!» деган шиорларни қайта-қайта такрорлаб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар. Агентлик бу мамлакатда Қўшма Штатларнинг қуролли кучлари кўпайтирилганлиги сабабли Гондурас аҳолисининг ғазаби кучайиб бораётганини уқтирмоқда. Пентагон бу мамлакатни революцион Никарагуага қарши зўлон қилинмаган уруш олиб бориш майдонига айлантирган.

* * *

ВАШИНГТОН. Америка пойтахтида НАТО кенгашининг ташқи ишлар министрлари даражасидаги сессияси давом этмоқда. Бу сессия ана шу агрессив ҳарбий-снёсий блок ташкил этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган.

Президент Рейган Оқ уйда сессия қатнашчилари билан бўлиб ўтган учрашувда «коллектив хавфсизлик соҳасидаги мажбуриятларга» сўзсиз риоя қилишларини америка иттифоқчиларидан талаб қилиб, уларга тазйиқ кўрсатиш сан киришди. вало гап Ам энг янги ра куролини Ғарбий пада бундан б лаштирш қатъий риоя лаби ҳақида Президент Оқ режани рўёбга да ҳеч қандай га йўл қўйиш Эмаслиги шаҳ НАТОнинг «ҳаётий зар эканлиги айтда план бирга Рейганистларни «сал бий хавфи» де ном уйдирма ётиб, АҚШ СССР ўз муносабатл ишлатиш полити турибди» қурки эканини яна та

Рейган Оқ ушрашувда иштирок қиб кетаётган НАТО секретари Лунс хукуматнинг сиёсати Вашингтоннинг қуролланиш сини кучайтириш даги «алоҳида эҳтиёжларини ва аввало ядровий ларни жойлаштириш рисидаги НАТО қарорини ўз шарҳларида киштирқи ёндашув» «доно раҳбар» тақдирлади.

РУС ТИЛИГА ҚИЗИҚИШ

БАМАКО. Мали пойтахтидаги рус тилини ўрганиш курсларида ўқув йили тугади. Бу ерда бўлиб ўтган Совет—Мали дўстлиги кечасида 150 тингловчи шу курсларни битириб чиққанлик тўғрисида гувоҳнома олди.

Бамако маданий ҳаётининг чинакам манбаи бўлиб қолган ва йигирма йилдан буён ишлаб турган ана шу курсларни юзлаб малиликлар битириб чиқди. Бу курсларда СССР тўғрисида мунтазам равишда лекциялар ўқилади ва суҳбатлар ўтказилади, совет делегацияларн ва артистлари билан учрашувлар уюштирилади, кинофильмлар намойиш қилинади, фото ва бадиий кўргазмалар ташкил этилади, Совет-Мали дўстлиги кечалари ўтказиб турилади.

Малида рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланиб, бу ерда тугаган илмий конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, икки мамлакат ўртасида самарали ҳамкорлик асосларидан бири бўлиб хизмат қилаётган улуғ Ленин тили оммавийлигини ошиб бормоқда. тили Малидаги на мактабларда олий ўқув юрт ўқитилмоқда. Иттифоқдаги ўқув юртларига риб чиққан неч малиликлар ўқ эгаллаб олишга СССРдан бор линда ишлаётга тувчилар рус т оммалаштириш катта ҳисса қў лар.

Беғараз ёрдам учун миннатдорчилик

АДДИС-АБ Е Б А. Эфиопия аҳолисига ва тикланиш умид қилган бериш комиссияси комиссарининг ўринбосари Тайне Гурму мамлакат аҳолисига берилган беғараз ёрдам учун СССР ҳукуматига ва халқига миннатдорчилик изҳор қилди. Совет Иттифоқи етказиб берган озиқ-овқат, автомобиль ва қўчма парамалаш установкалари, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, табиий офатдан зарар кўрган районларнинг ўн минглаб аҳолисини озиқ-овқат ва ичимлик сув билан таъминлайди. СССР, деб таъкидлайди Тайне Гурму, Эфиопиянинг шошилинч ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосига биринчилардан бўлиб жавоб берди.

Қурғоқчилик 5 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган районларга ёйилди. Қурғоқчилик қўламини 1974 йилдаги миллий демократик революция арафасида бошланган офат билангина таққослаш мумкин. Ўшанда табиий офат 200 минг кишининг ёстиғини қуритган эди. Ҳозирги вақтда Уолло, Харэрге, Сидамо, Гамо-Гофа вилоятларига зарар етказди. Комиссия ана шу вилоятларга шошилинч равишда озиқ-овқат, медицина бригадалари юбормоқда. Биринчи галда болаларга ёрдам кўрсатилмоқда. Қорамол ҳайдаб кетилмоқда, уруглик фонди тикланмоқда.

Эфиопия ҳукумати қурғоқчиликка қарши курашга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, деб уқтирди комиссар Ўринбосари 1973 — 1974 йилларидаги фожна такрорланмайди.



Юпқа ҳамир «соомэн»—япончалар ш ҳис таомларидан биридир. Мамлакат аҳоли ўзи ҳам буни тан олади. Аммо бу таом ҳисларни унинг таъмига боғлиқ эмас. таомнинг тайёрланиш жараёнидадир. таомни тайёрлаш учун чаққонлик, юксак ва жуда катта сабр-тоқатни талаб қилади қўлда тайёрланади.

«Экономситуо» журналидан олинган ратда Сёдо ороли (Кагана префектураси «соомэн» тайёрловчи ҳунармандчилик ш да ана шу таомни тайёрлаш жараёни

ТАСС фотохроникаси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«БУКРИ АВТОБУСДАГИ ҲАНГОМА»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 27 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда 65-«э» ва 85-«э» маршрутидаги автобусларнинг йўловчиларга қонқарсиз хизмати танқид қилинган эди. Редакция шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Султоновдан қуйидаги жавобни олди:

Мақола 65-«э» ва 85-«э» маршрутидаги автобус ҳайдовчилари орасида муҳокама этилди. Ҳайдовчиларнинг йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиши, ҳар бир тўхташ бекатида автобусларни тўхтатиши кераклиги ҳақида суҳбат ўтказилди.

65-«э» ва 85-«э» маршрути хизматлари автоколонна бошлиқлари Х. Матчонов ва Ш. Зунунов назоратига топширилди.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

4 ИЮНЬ, 1984 й.

Адабиёт ва санъат

Ижодий союзларда

ЁЗУВЧИ ВА ОЛИМЛАР САФАРИ

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Санд Аҳмад бошчилигидаги бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва олимлар Қашқадарё ҳамда Сурхондарё областлари бўйлаб ижодий сафардан қайтиб келдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи фольклор кенгаши раиси Ю. Султонов, фольклоршунос олимлар М. Алавия, М. Муродов, Т. Мирзаев, шоирлар С. Акбарий, А. Шер, Отаёр, В. Устинов ва бошқалар деҳқон-ободлик халқ достончиси Умр бахши Сафар ўғли туғилган кунининг 90 йиллиги тантаналарида иштирок этдилар. Қарши Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий сессия, Деҳқоноободдаги юбилей тадбирлари ана шу халқ бахшиси ижодига бағишланди.

Шундан кейин ёзувчи ва шоирлар группаси Сурхондарё области бўйлаб ўз сафарини давом эттирди. Улар областнинг дала меҳнаткашлари билан учрашдилар, ўқув юртларида, корхона ва муассасаларда меҳмон бўлдилар. Термиз Давлат педагогика институти, Шеробод бадиий керамика буюмлари заводи, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз-техникумда бўлган учрашувлар чинакам адабиёт байрамига айланиб кетди.

Ёзувчи ва олимларнинг бу сафари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда республика Ёзувчилар союзининг 50 йиллиги олдидан ўзига хос ижодий ҳисобот бўлди.

ШУКРУЛЛО

ЖАНЖАЛ

(ИККИ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯДАН ПАРЧА)

«Жанжал» деб номланган бу янги комедияда эгри йўллар билан бойлик орттирувчи, халқ ва давлат манфаатларига зиён етказувчи нопок шахслар танқид объекти қилиб олинган. Асар қаҳрамонлари «қош қўяман деб, кўз чиқарадилар», яъни бировга қилган яхшиликларини айтаман деб ўзлари ва ҳамтовоқларининг сирларини фош этиб қўядилар. Қуйида эътиборингизга ана шу асардан парча ҳавола этамиз.

Иккинчи парда, иккинчи кўриниш.

Биринчи пардадаги кўриниш. Чироқлар ёнган. Ўша дастурхон. Дастурхон атрофидагилар ҳам ўшалар. Ҳамма ўйга толган. Жимлик.

ШОҒУЛОМ — Бировга ёмонликларинг йўқ, йўқ, бу тўғри!.. Ёмонлик қилмайсиз, ўзинг учун қилмаймизки, чунки ўз манфаатингга зиён етиб қолишидан қўрқамиз. Ўз ёнбошимизни ҳимоя қиламиз. Мен ёмон одам, инсон деймизу, аммо, жон куйдириб, бировнинг ёнини олганмизми? Унинг ёнига кириб, ёнини олганмизми? Йўқ! Ўз обрўйимизни тўкканмизми? Унинг ёнига кириб, ёнбошлик бўлдиғ-а? Тўғримиз?

МИРЗО ҒАНИ — Мени жиянимми?

ШОҒУЛОМ — Ҳа, сизни!

МИРЗО ҒАНИ — Ҳой, ака! Бўлди... Бўлди...

ИСАБЕК — Гапни бўлманг!

ҚЎЧҚОР — (Шоғуломга) Ака, гапираберинг!

МИРЗО ҒАНИ — Ундан гумонингиз борми?

САНД КАРИМ — Жим тура оласизми, йўқ?

ШОҒУЛОМ — (Мирзо Ғанига). Кимни ўрнини эгаллади?

МИРЗО ҒАНИ — Ҳой ака, мени ўлдирмоқчи! Сўрамасдан гапираберинг!

ИСАБЕК — Билмасанг, тўхта!

ШОҒУЛОМ — Бирга ишлаб келган оғайнингнинг ўрнига эмасми?

ИСАБЕК — Гапни бўлманг! Тўхтанг! (ҳамма жим) Устидан арз тушиб, ўз ўрнига жиянингиз қўйилганда, йўқ, бу ердан кўра иш бажаришга фаҳмли, камчиликдан кўмаклаша-ю мени қўйинглар дедими? Ёмонлар! Жон-жон деб ўрнини эгаллади! Оғайниларинг деймизу, аммо, сизлар оладиган ҳунарингизни оладиган бўлсам, мендан олгудек олмагунча тинчимайсизлар!

МИРЗО ҒАНИ — Гумонингиз кимдан, ноинсониданми?

ИСАБЕК — Жиян тоғага тортади-да!

САНД КАРИМ — Сопи ўзидан чиқиб қолди, шекилли!..

МИРЗО ҒАНИ — Бу ҳазил қиладиган гапми, Санд Карим?

ШОҒУЛОМ — Мен сизларни ҳазилга чақиганим йўқ. Ҳазил қилиб бўлдик!

МИРЗО ҒАНИ — Ҳой, ака, мен касал одамман-а!

ИСАБЕК — Мирзо, оғайнилармиз, гап шу ерга қолади, ҳаммамизни ёмон отлиқ қилиб, ноинсон қилмасдан очиғига кўчаберинг!

МИРЗО ҒАНИ — Нима деб валдираяпсиз!

ҚЎЧҚОР — Ҳаммадан олдин келиб жанжални бошлаган ҳам сиз эмасмисиз!

МИРЗО ҒАНИ — Мени қон босимим бор, бошқа бир гап бўлса...

ИСАБЕК — Бизларда йўқми?

ШОҒУЛОМ — Тўхтанглар, бу ерда талашадиган гап йўқ.

САНД КАРИМ — Агар сотқин ичимиздан чиқса! (Жимлик).

МИРЗО ҒАНИ — (Мирзо сув қуйиб ичади) Ичсам ичаман, агар сизга бирор ёмонликни раво кўрган бўлсам...

ИСАБЕК — Шармандалик, шармандалик!

ҚЎЧҚОР — Садқаи дўст кет-эй!

МИРЗО ҒАНИ — Менга ёпишмаларинг!.. Менга ёпишмаринг! Менда ҳеч қанақа гуноҳ йўқ. (Жанжалнинг устига Тожихон ош тортиб киради).

ТОЖИХОН — Вой тавба! Вой тавба! Уят, уят!

МИРЗО ҒАНИ — Келин ойижон, худо ҳақи!..

ИСАБЕК — Қасам урсин.

САНД КАРИМ — Наҳот шундан чиққан!

ҚЎЧҚОР — Юзинг туф денглар, ҳайданглар, лаънат бўлсин сенга.

ШОҒУЛОМ — Ҳали сиз шошилманг! Қўчқорвой, шошилманг! Мен сизларни бекорга йиққаним йўқ. Гуноҳ кимда экани очилади. Ҳа, айбдор шу ерда! (Бир дам жимлик).

ҚЎЧҚОР — Айбдор шу ерда!

ШОҒУЛОМ — Қани ошга қаранглар! (Мирзо Ғанига) Қани овқатга, насиба! (Ҳамма жим. Эшикдан кайф билан Деҳқонали кириб келади).

ДЕҲҚОНАЛИ — Оҳ, жамоат жам экан-ку, ҳамма қадрдонлар шу ерда экан-у! (ашула айтиб, ўйинга туша бошлайди).

О, қарғалар, о!..

ҳоҳ, қарғалар, ҳоҳ!

ШОҒУЛОМ — Ия-ия! Нима гап? Бугун мени (Шоғуломга) акажон, туғилган куним, қайнонам суйган-да. Тайёр ошни устидан... (ўйинга тушиб)

О, қарғалар, о

ҳоҳ, қарғалар, ҳоҳ!..

(ўзига ичкилик қуяди). Бизлар кичкина одамлармиз. Бизни соғлиғимизга... (ҳамма жим) ўзимиз ичамиз-да!

(ичади) томоқ, қорнини ушлаб (Оҳ-оҳ, оҳ-оҳ, томоғимдан тинчгина ўтди, худога шукр, маза қилиб сингвотди, сингвотди! Оҳ-оҳ, оҳ-оҳ! Танинг соғ, бола-чақа олдингда, бировдан олдин, бировдан кейин, бировдан қарзим йўқ... Таъма қилиб обдаста жўмрагидек энгашмайман. Бундан мазаси борми? Ҳой, сизлар ҳам олмайсизларми? (Лагандаги ошга қараб) Қани, Деҳқонали, бугун туғилган кунингиз, олаберинг! Кўрдингми ош, кўтармагин бош! (тўкиб-сочиб ош еябошлайди). Ҳоҳ қарғалар!

ШОҒУЛОМ — Олаберинг, олаберинг! (ўтирганларга ҳам) олинглар. Деҳқонали ўзимизники, кайф қилибди. (Деҳқоналига) олаберинг!

ДЕҲҚОНАЛИ — (Шоғуломга) Битта ошатайми?

ШОҒУЛОМ — Ўзим оламан, олаберинг!

ДЕҲҚОНАЛИ — (ҳаммага ош тутиб) Сизга!.. Сиз-чи, акажон!.. Сиз ҳам олмайсизми? (ўзига) ўн бешинчи лампа шишадек қилиб олаберинг, Деҳқонали. Ўзингизга қуйинг, Деҳқонали, (қуяди). Булар тўйган қўзининг боласи (ҳиқичоқ тутиб) лаббай, бир нарса дедингизми? (яна ҳиқичоқ тутади, ўзига-ўзи) Гул ҳидланг Деҳқонали, боғбонсиз, гул қонни юриштиради! (қўлини артиб гандираклаб ўрнидан туради).

МИРЗО ҒАНИ — кутилмаганда ўтирган жойида ҳўнграб йиғлайди. Ҳамма ҳайрон (Жон ака, нима деб арз ёзибман, Сизни устингиздан-а! Мен-о!?» жуда бўлмаса, учини чиқаринг, бўйнимга олмасам, хотинимга талоқ бўлсин!

ШОҒУЛОМ — Қайси бирини чиқараман. Мени сирларимни билмайсизми?

МИРЗО ҒАНИ — Қанақа сир?

ШОҒУЛОМ — Мени гуноҳларимни билмайсизми?

МИРЗО ҒАНИ — Қанақа гуноҳ?

ШОҒУЛОМ. — Учини чиқарингмиш, учини чиқаринг! Ҳаммасини ўзингиз чиқариб бўлдингиз-ку!

МИРЗО ҒАНИ — Тушунолмай қолдим, айбим бўлса аямант!

ШОҒУЛОМ — Олтину дур билан қўлга тушганингизда сақлаб қолганим, болаларингизни мен ўқишга жойлаб қўйганимни кимга арз қилдингиз?

МИРЗО ҒАНИ — Мен?!

ШОҒУЛОМ — Токайгача сенларни шалтоғингни епаман! Битта ишингизни қилиб бермасам, мени сиримни очмоқчи бўлдингизми?

МИРЗО ҒАНИ — Ҳой, ака, ҳой акажон!.. Кимга айтаман, фақатгина хурсанд бўлганимдан қилган яхшиликларингизни ўзингизга айтдим, агар, бошқа айбим бўлса!..

ШОҒУЛОМ — Арз қилганингиз йўқми?

МИРЗО ҒАНИ — Мени жон томирим сизни қўлингизда-ку! Мен олтину дур билан иш қиладиган одамман. Мен сирларимни сизга ишонганимни билмайсизми? Агар буни очгудек бўлсангиз мен отилмайманми? Шу ишни мен қиламанми?

ШОҒУЛОМ — Арз қилган сиз эмасми?

ҚЎЧҚОР — (Шоғуломга) Нима деб ёзган?

ИСАБЕК — Нима деб айблайди?



САИД КАРИМ — Бизларни кимлигимизни биласиз-ку. Нима деб туҳмат қилади?

МИЗО ҒАНИ — (йиғлаб) Сизга ёмонликни ўйлаган кўр бўлсин, шол бўлсин! Мен қилган ҳамма гуноҳларимни ахир! Ўзингиз биласиз-ку!.. Наҳот мендан гумон қилсангиз!

ШОҒУЛОМ — Ишонаман!.. Ишонаман!.. Лекин... (Деҳқонали қўлида гул дасталаб, «Гулойим»ни айтиб ўйинга тушиб кетади). Ҳо-ҳой Гулойим...

САИД КАРИМ — Гулойимингдан ўргилай!

ИСАБЕК — Ҳей, ичган арағингдан.

ҚЎЧҚОР — Туғилган кунинг ҳаммани жинни қиласанми?

ДЕҲҚОНАЛИ — Хўп-хўп!..

МИРЗО ҒАНИ — Мен айтиб қўяй, мен сизнинг устингиздан арз-дод қилган бўлсам, ўша эшитганни, билганни айтинг, сиз учун бошимни бермасам номардман. Гап шу! (Деҳқоналига) Ўтиринг, менга ҳам қуйинг!

ДЕҲҚОНАЛИ — Мен-чи!

ИСАБЕК — Ҳой, ака, Мирзо тўғри гапни айтди. Бизларданчи!..

ДЕҲҚОНАЛИ — Мен сенларни ҳаммангни биламан. Ҳамманг муттаҳамсанлар. Менга ўқрайманг. Сенларга сатқай гул. Сенларга гул эмас пул керак.

Оҳ, Гулойим...

ИСАБЕК — Оғзингни юм!

МИРЗО ҒАНИ — (Деҳқоналига) Менга ҳам қуйинг, олинг ашулани! (ўзига қуйиб). Шу акамга ёмонликни ўйлаганлар барака топмасин. (Шоғуломга) Сизни бахтингизни тилаган одамман. (Деҳқонали билан чўқиштириб ичади) Олинг ашулани!

ДЕҲҚОНАЛИ — Мени етти отамдан давлат қолган эмас, қўлим қадоқ, меҳнатим билан, ҳунарим билан топиб яшаяпман. Кимдан камман! Мен сендақалар билан ичмайман. Ор қиламан. Халқнинг насибага пашша бўлиб қўнган сенлар!

ҚЎЧҚОР — Ҳой-ҳой.

ШОҒУЛОМ — Кайфи бор, хафа қилманг! (Деҳқоналига) Ичинг, яйраб олинг, Деҳқонали, юз йил яшанг!

ДЕҲҚОНАЛИ — Минг йил денг! Мен етти пуштимга ўғирлик қилиб бисот қолдирганимдан, одам бўлиб ўтганим афзал. Булар ҳаммаси пораҳўр, ҳаммаси ҳушомадгўй.

САИД КАРИМ — Мастлик қилманг!

ДЕҲҚОНАЛИ — Нима?

ШОҒУЛОМ — Хўп-хўп!

МИРЗО ҒАНИ — Олаберинг, овқат ўтганига шукр!

ДЕҲҚОНАЛИ — Олинг! (ичади) Сен билан бир товоқдан емайман. О, қарғалар!.. (Бир пасдан кейин «Гулойим»ни айтиб ўйинга тушади)

О, Гулойим!

ИСАБЕК — Бўлди, жинниликни бас қил! (Олдидаги ароқни тортиб олади)

ДЕҲҚОНАЛИ — Бас қил! Ўзинча қотиб-қотиб қулади) Бас қилинглар! Хўп-хўп, сиздан қўрқдик. Ҳой, менга қара! Бир-бирингни гўштингни еган сенлар, менга яхшилик қилармидинглар!

ИСАБЕК — Ғижимлаб ташлайман.

САИД КАРИМ — Ўтир! (Деҳқонали бир оз ҳушёр тортиб, бошини ушлаб хаёлга толади, атрофга қарайди)

ҚЎЧҚОР — Мирзакам тўғри айтди, сизни устингиздан арз қилиш, сирни очиш, бу ўзимизни оёғимизга болта уриш.

САИД КАРИМ — Албатта, ҳой, акажон.

ИСАБЕК — Кўп жаврама! Сабр қилларинг. (Шоғуломга) Мирзо тўғри айтди, ҳаммамизни жиловимиз қўлингизда. Сичқонни ўлгиси келса мушук билан ўйнашади. Бизлардан гумон қилишингиз хато!

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Адабий кеча

Акмал Икромов районидаги 109-мактабда Абдулла Қодирийнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

Ёзувчи юбилейига бағишлаб «Ёш адабиётчилар» мактаб деворий газетаси чиқарилди. Мактаб ўқувчилари томонидан ёзилган энг яхши реферат ишлар намойишга қўйилди ва Абдулла Қодирий китоблари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечага мактаб атрофидаги Ульянов, Фурқат номидаги ҳамда «Бекобод», «Октябрь самараси» маҳаллаларнинг вакиллари, ота-оналар тўпланишди.

Абдулла Қодирий қаёти ва ижоди, асарларининг қардош халқлар ва чет эл тилларига таржимаси ҳақида А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Иброҳим Мирзаев ва Абдулла Қодирий асарларининг мактабда ўқитиш методикаси тўғрисида Қорниёший номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-текшириш институтининг илмий ходими Муҳиддин Жўраевларнинг суҳбати тингланди.

Кечада Абдулла Қодирийнинг ўғли, ёзувчи Ҳабибулло Қодирий сўз олиб отаси ҳақидаги хотираларидан гапириб берди.

Кеча қатнашчиларига Абдулла Қодирийнинг романи асосида яратилган «Ўтган кунлар» бадиий фильми қўйиб берилди.

С. ҒАФУРОВ.

ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДА

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ МАВЗУИДА

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи илмий ходимлари ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашда ибратли ишлар қилишаётир. Болалар боғчасидан бошлаб, мактаб ўқувчиларигача музей экспонатларини экскурсоводлар бошчилигида томоша қилишмоқда. Шунингдек, уларни ёшларига қараб лекциялар ўқилаётир.

Лекция 5—10-синф ўқувчиларига мўлжаллаб, дарсликларга мослаб ёзилган. «Рассом асарларини қандай томоша қилиш керак?», «Тасвирий санъат асарларини турлари ва жанрлари», «Рассом Перов ва болалар», «Ўзбекистон рассомлари ижодида болалар», «В. И. Ленин тасвирий санъатда», «Ўзбекистон меъморчилик санъати» каби ўттизга яқин лекцияларни фарзандларимиз қизиқиб тингламоқда.

ИЖОД СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Музейда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган «Ёш санъатсеварлар тўгараги» ўн йилдан бери ишлаб келмоқда.

Ўттиз нафар тўгарак аъзоси музей фаолиятни, санъат сирлари билан танишмоқдалар. Шунингдек улар рассом, реставраторлар устахоналарида ҳам бўлишиб, санъаткорларнинг ижод қилишларини кузатишмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг илмий ходими.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Сочингга боғланиб тўхтайди шамол...

Гоҳ тунлар уйғониб
йиғлайсан сен ҳам,
Кимдандир яшириб
кўз ёшларингни.
Тўпламоқ бўласан —
титиб ташлар ғам,
Соғинч янчиб кетган
бардошларингни.
Мингмағрур бўлсанг ҳам
шу пайт кимдандир
Далдалар кутасан,
меҳр кутасан.
Йиртган шеърларингни
куйдириб бир-бир,
Сўнг кўзда ёш билан
чиқиб кетасан.
Хазон кўрпасида
кунинг санаб,
Васият қилмоқда
куз нимандир.
Узинингтилда
пичирлатар лаб,
Сим—дорга гуноҳсиз
осилган ёмғир.
Дарахтга суяниб
туриб қоласан,
Сочингга боғланиб
тўхтайди шамол.
Саҳарни шу ҳолда
кутиб оласан,
Кипригингга ортиб
тунни бемалол.
Фақат вужудингни
ёқиб беаёв,
Қўлингни куйдириб
ушбу куз кези.
Югурар, айланар
кўтариб олов,
Сенга видо айтган
лабларнинг изи...

* * *

Йўқ! Ўйламанг Ҳамза тошлар
залворидан ўлмади,
Унга ҳечдир қаро тунда
ўрмалаган илонлар.
Ғингшиган ит тўдасидан
аросатда қолмади,
Унинг мангу яшашини билган
заҳил аъёнлар.
У-чи, фақат юрагига,
кўзларига чизилган,
Келажакнинг суратини
бўлмасин деб шикаста,

● Зулфия Мўминова — Тошкент Давлат университети студенти. Шеърлари республика газета ва журналларида эълон қилинган. Илк шеърий тўплами чоп этишга ҳозирланяпти.



НАВБАҲОР НАШИДАСИ

Баҳор келди ўлкамга,
Иқбол келди, нур келди.
Бағрим ўхшаб кўкламга,
Дарё тўла дур келди.
Дарахтлар новдасига,
Тақди биллур исирға.
Майли ёмғирда ивиб,
Чиқайлик дала, қирга.
Қуй ёмғиржон варрос, қуй,
Тез бўй чўзсин кўкатлар.
Кўрқмалашсин дала, боғ,
Яшнасин қир-этаклар.
Ёмғирдан сўнг юлдуздай
Чарақлаб кетар само.
Қирга тўшалар бахмал,
Мусаффо бўлар ҳаво.
Чиқиб анҳор бўйига,
Кўк ялпиз терар қизлар.
Сел бўлиб қуш куйига,
Мастона боқар кўзлар.
Кимни этмаган шайдо,
Навбаҳорнинг жамоли.
Унда ишқ бўлган пайдо,
Етилган севги болиқ.
Унда гуллаб муҳаббат,
Ғунча очар кўзини,
Унда ошиқ топар бахт,
Айтар юрак сўзини.

● Нилуфар Холхўжаева — шоира. «Гул рози», «Соғиндим», «Сени изларман» сингари шеърий китоблар муаллифи. Яқинда шоирaнинг «Баҳорга илтижо» номли янги тўплами нашр этилди.



Шу суратни қизғониб у
қонн қочган юзлардан,
Кўзларининг пардасини
тушириб қўйган аста.

Юлдузлар

Улуғбекнинг чаманларн
гуллаётир самода,
Деҳқон ҳидли далаларга
оға-нинн, қондош, эш.
Улуғбекнинг чаманларн
етдн аршн аълога,
Илдизларн Самарқандда,
япроқларн кўкка пеш.
Улуғбекнинг чаманларн
гуллаётир самода,
Ғунчаларн Фирузадир
қотил юлиб ўтолмас.
Улар бошдан баланд турар
азал-абад дунёда,
Бу гулларга хазон етмас,
қонли қилич етолмас.

* * *

Бу ҳижрон тунида ҳорнб знёда,
Борар йўлларимга термулиб
муштоқ.
Унутиш қийнаган катта дунёда,
Менн унутмайдн кичик бир қишлоқ.
Бу ҳижрон тунида қилганча ирим,
Қоқигулда сарнқ чироқ сиғинар.
Болалик ёднмнн ўраганча жим,
Пахсали деворлар менн соғинар.
Бу ҳижрон тунида қошин чимирнб,
Бир сўзни айтолмай дадил ҳушда,
Мускулдор қўлларнн кўксига
бернб,
Менн бир баҳодир кўрар тушида...

* * *

Сенн кўрнб қолдим, анча узоқдан,
Бу аннқ, сен эдинг мангулик ҳаёл.
Умрим қишларида совуқ титроқдан,
Лабларим устида музлаган савол.
Ўша тун йиғладим то тонгга қадар,
Кўтара олмайин бу кичик бахтни.
Деразам ёнида шамол дарбадар,
Изладн кесилиб кетган дарахтнн...

Зулфия МЎМИНОВА.

Ундадир насиба-рнзқ,
Ундан бошланур турмуш.
Фурсат шошнрадн зиқ,
Дала-даштда қизнр иш.
Ёзнлар қанча чнгил,
Равшан бўладн диллар.
Боғлар безаннб бутқул,
Булбулдек сайрар тиллар.
Тутиб узун таёғнн,
Қирларда кезар чўпон.
Юлдуз ёқиб чирофнн,
Чўпонга бўлар меҳмон.
Найларнинг навосидан,
Жонсиз танга кирар жон.
Куйининг хуш сафосидан,
Дилларга жодир жаҳон.
Баҳмал гилам устида,
Чўпон ётар ястаниб.
Миниг сеҳр бир ўзида —.
Ой ҳам келар пастланиб.
Бир-бирига бош қўйиб,
Етишар қўй-қўзилар.
Ухласин деб қир тўйиб.
Чўпон куйин чўзилар.
Ўзига ўзи мафтун,
Баҳорга тўлиб бағрн.
Куйлар чўпон туну кун,
Очилар кўнгил баҳрн.

ДЎСТ ТАНЛАШ

Дўст танлашда адашманг мендек,
Дил тортса ҳам шўх боқишларн.
Ҳаяжонга солмасин андак,
Садқа бўлиб, жон қоқишларн.

Кам денгу, кўп эшитинг унн,
Сўзлаганда кўзига боқинг.
Кўнглнга қўл солннг ҳар кунн,
Ҳар гапнннг мағзнни чақинг.

Омадингиз қувонтирмаса,
Бахтингиздан яйрамаса ул.
Мусибатнн бирга тортмаса,
У сизга эш бўлмоғи мушкул.

Унга сиз бир «сир»нигиз айтиб,
Таъкидлангки, тутинг деб пинҳон.
«Сир» кўпириб келганда қайтиб,
Ўз-ўзингизга қилннг нмтиҳон.

Шунда унга баҳо қўйсангиз,
Қийналмагай оташ нчра жон.
Дўст топарсиз содиқ, вафолн,
Мен сингарн қилмассиз армон.

НИЛУФАР.

ПОЙТАХТИМИЗ ТЕАТРЛАРИДА





Ўзбекистон пойтахтининг санъат масканлари ўз томошабинларини янги саҳна асарлари билан ҳушнуд этмоқдалар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида композитор Улуғбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети катта муваффақият билан намойиш этилятти. Максим Горький номли рус Давлат академик драма театри коллективи эса «Айбдорнинг даъвоси» номли спектаклни саҳналаштирди.

СУРАТЛАРДА: А. Навоий номли театрнинг «Тўмарис» балетидан саҳна; М Горький номли театрнинг «Айбдорнинг даъвоси» спектаклидан саҳна.

О. Горлин ва С. Каган фотолари.

САФАР ОЛДИДАН

Халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларини кенгайтириш тадбирларига мувофиқ яқинда Македония Социалистик Республикасида Ўзбекистон маданияти кунлари бошланди. Ушбу дўстлик байрамига адабиёт, санъат ва маданият намояндаларн катта ҳозирлик кўрдилар, Ўзбекистон ССР Давлат санъат арбоби ходимлари Македонияда намойиш этиладиган «Ўзбекистон театрнй ва амалий санъатнн кўргазмасини тайёрладилар. Кўргазмадан замондошларимизнинг бугунги меҳнат муваффақиятлари билан намойиш этилаётган, табиат манзараларн тасвирланган 500 дан ортиқ асарлар жой олади. Улар орасида Ўрол Ишимбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз Ахмеров, Рўзи Чорнев, Ғ. Беньков, Жавлон Баҳодиров, Баҳодир Исломов, Қодиржон Ҳайдаров, Мақсуд Қосимов ва бошқа истеъдодли рассомларнинг рангтасвнр, график ва амалий санъат асарлари бор. Бу экспозиция республикамизнинг Совет ҳокимияти йилларида мамлакатнинг иқтисодий соҳада эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ижодий учрашувлар

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи республикамиз ва унинг Компартияси 60 йиллигига бағишлаб шаҳар меҳнат коллективларида композитор ва бастакорлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтди. Коллектив ҳузурига истеъдодли композитор Эдуард Каланторов меҳмон бўлиб борди. Бу ерда ўтказилган композиторнинг ижодий кечасида замонавий эстрада қўшиқлари янгради. Павел Борисов, Людмила Иосиф ва бошқа хонандалар Э. Каланторовнинг янги куй ва қўшиқларини ижро этишди.

Яқинда шундай учрашувлардан бири Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлимида бўлиб ўтади. Композитор Ғафур Қодировнинг ижодий кечасига район музика ўқитувчилари таклиф этилган.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

РОССИЯДА БИРИНЧИ ОПЕРА

Россияда илк бор саҳналаштирилган опера спектакли «Муҳаббат ва нафрат қудрати» деб ном олган эди. 1736 йил 9 февраль куни мазкур опера спектакли билан Петербург сарой театри тантанали очилди. Операннинг музикаси Италия композитори Франческо Арайя қаламига мансуб эди.

Франческо Арайя Россияда узоқ давр яшаб, Петербург сарой опера театри учун махсус бир неча опера ижод этди. Улар орасида «Цефал ва Прокрис» операси алоҳида ўрин тутади. У 1755 йил 27 февраль куни томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди. «Цифрал ва Прокрис» операсининг музикаси стилистик тузилиши жиҳатдан Италиянинг анъанавий операсерна музикасидан катта фарқ қилмасада, рус музика театри тарихида муҳим аҳамият касб этади. «Цефрал ва Прокрис» русча текстда ва рус вокалистлари (ашулачилари) ижро этган биринчи операдир. Бунда асар қаҳрамони Цефал орқали инсоннинг куч-қудрати илоҳий кучлардан устун эканлиги талқин этнлади.

ГЛИНКА ТУЗГАН «ГЕОГРАФИЯ» КИТОБИ

Улуғ рус композиторн, рус классик музикасининг асосчиси, «Руслан ва Людмила», «Иван Сусанин» операларн ва симфоник оркестр учун мураккаб асарлар яратган М. И. Глинка (1804—1857) саёҳатларни жуда яхшн кўрарди. Композиторнинг кўпгина хатларн ва бошқа манбаларнинг гувоҳлик бершича у география фанининг жиддий билимдони бўлган. М. И. Глинканинг чет элдан юборган бир қанча мактублари ўзига хос саёҳатномани эслатади. 1829 йилда Михаил Иванович Новоспасск шаҳрида яшаган пайтда синглиси Людмила учун қўлёзма «География» китоби тузади. Чунки ўшанда китоблар етишмасди. Людмила Иванова ўз хатларида акасининг аъло даражада ўқитувчилик қобилияти мавжудлигини таъкидлаб: «менда билимларга қизиқиш уйғотди у» деб ёзган эди. Композитор тузган «География» Л. И. Шестаковада узоқ вақт сақланди. Композитор вафотидан сўнг Людмила Ивановна «География» варақларини автограф қилиб акасининг хотираси сифатида яқин дўстларига тақдим этди. Испания, Италия, Англия, Шотландия, Германия ва Европа тоғлари ҳақида фикр юритилган М. И. Глинканинг «География» китоби варақлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Улар Москва ва Ленинград шаҳарларининг турли Давлат архивларида сақланмоқда.

МОЦАРТНИНГ ҒАЛАБАСИ

Улуғ Австрия композитори, органчиси, клавесинчиси Вольфганг Амадей Моцарт (1756—1791) ўз ватандоши композитор Иосиф Гайдн (1732—1809) билан қизиқ баҳс ўйнайди. Баҳс шартига кўра И. Гайдн Моцартнинг бир янги асарини фортепьянода ижро этиши керак эди. Машҳур композитор И. Гайдн қанчалик ҳаракат қилмасин, бу асарни чалишнинг уддасидан чиқа олмади. Сабаби, унинг ҳар иккала қўли бармоқлари фортепьянонинг клавишларини босиб чалганида ҳам ўртадаги клавишга яна бир бармоғи етмас эди.

— Бунн ижро этишнинг сира иложи йўқ, ютқаздим, — дейди И. Гайдн. В. Моцарт дўстона кулиб фортепьяно олдига ўтириди ва ўша асарни ижро эта бошлайди. И. Гайдн уддалай олмаган жойдаги нотани чалиш учун фортепьяно клавишини бурни билан босади ва баҳсда ғолиб чиқади.

Р. НЕЪМАТОВ
тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

4 ИЮНЬ, 1984 й.

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6, 7 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ—КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ—ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЕҚУБОВА

Солистлар: **Қўзибой ОТАЖОНОВ; Ўктам АҲМЕДОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Фируза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЕЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани ШОИРА ЭРМАТОВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — ОРТИҚ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати РАВШАНОЙ ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — АСҚАРАЛИ ХИДИРОВ.

СОТУВЧИЛИК—ШАРАФЛИ КАСБ!

«ШУҲРАТ» МАҚТАБ-МАГАЗИНИДА

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН.

«ШУҲРАТ» САНОАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИ ВА КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАКТАБ-МАГАЗИНДИР.

Ўқиш муддати — 5—6 ой.

Стипендия — ойига 52 дан 63 сўмгача.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Битирувчиларга саноат моллари кичик сотувчиси ёки контролёр-кассир ихтисослиги берилади ва улар Тошкент савдо корхоналарида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: маълумоти тўғрисида, мактабдан характеристика, директор номига ариза, 2 дона фотосурат (6х9 см. ва 3х4 см. ҳажмида 2 дона фотосурат), паспорт, агарда бор бўлса меҳнат дафтарчаси.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (18, 20, 50, 54, 70, 75, 79 автобуслар; 6, 11, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати, метронинг «Чилонзор» станцияси).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ (телефон 76-39-54).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Қозоғистон ССРнинг колхозлар ва совхозларида ишлаш учун онлаларни уюшган ҳолда

ҚЎЧИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ГРАЖДАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЖЎНАТИЛАДИ:

20 июнда — ЦЕЛИНОГРАД ОБЛАСТИГА.
8 июлда — ТЎРҒАЙ ОБЛАСТИГА.
24 июлда — ПАВЛОДАР ОБЛАСТИГА.

Кўчиб бориш истагини билдирган онлаларга бир йўла нафақа тўланади, улар белгиланган манзилга етиб боргунча бепул йўл ҳақи ва юкларни бепул олиб бориш билан таъминланадилар. Уй-жой майдони берилади.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослигига эга бўлмаган гражданлар керакли касбларни кўчиб борган жойларида эгаллашлари мумкин.

Онласи таркибида камида меҳнатга қобилиятли икки аъзоси бўлган кишиларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-1985 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ошпазлар, қандолатчилар (кондитерлар), болалар таомни ва парҳез таомлар тайёрлайдиган юқори малакали ошпазлар тайёрлайди.

Ўқиш муддати— 10-синфни битирганлар учун 2 йил, 8-синфни битирганлар учун 3 йил, Совет Армияси сафидан қайтганлар учун 1 йил.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига 15 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафидан қайтган йигитлар (8 ва 10-синфни битирганлар) қабул қилинади.

Билим юртига фақат республикамиз шаҳарларида яшовчи йигит-қизлар имтиҳонсиз суҳбат йўли билан қабул қилинади.

Билим юрти битирувчиларига тўлиқ ўрта маълумот ҳақида аттестат ва ошпаз, қандолатчи (кондитер) ихтисосини олганлиги ҳақидаги диплом берилади.

Қабул қилинганларга 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Областлар шаҳарларидан келувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқувчиларнинг меҳнат практикаси шаҳримизнинг энг яхши умумий овқатланиш муассасаларида: «Тошкент», «Россия», «Москва», «Ўзбекистон», «Гулистон», «Аэропорт», «Чилонзор», «Фируза», «Дўстлик» каби ресторан ва ошхоналарида олиб борилади.

Имтиёзли диплом билан битирувчиларга педагогика совети қарорига асосан (10 процент ҳисобидан) олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида — футбол, волейбол, миллий кураш, сузиш каби спорт секциялари билан бир қаторда хор, ўзбек ансамбли каби бадиий тўгараклар мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма), меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, савдо ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 700071, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Самарқанд—Дарвоза кўчаси, 60-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 29, 7, 34, 36, 43-а, 77, 90-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефон 78-26-27.

«ЭНГ ЯХШИ БУЮМЛАР—БОЛАЛАРГА!»

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва болалар товарлари ассортиментига бўлган талабни янада мукаммал ўрганиш ва бу талабни қондириш, реклама воситаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси, умумий овқатланиш Бош бошқармаси, Маданият бошқармаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси, Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлими, Ўзбекистон грампластинкалар уйи, «Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

5 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА

«ЭНГ ЯХШИ БУЮМЛАР—БОЛАЛАРГА» ШИОРИ ОСТИДА

«ПИОНЕР ЕЗИ» РЕКЛАМА КОМПАНИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида — 5 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА МАРКАЗИЙ БОЗОРДА

болалар учун товарларнинг кенг савдоси ташкил этилади

Пойафзаллар, трикотаж, тикув буюмлари, ўйинчоқлар ва қўғирчоқлар, грампластинкалар, музика чолғу асбоблари, китоблар, велосипедлар, фотоаппаратлар, спорт жиҳозлари — «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси, «Ташкультторг», «Ташобувьторг», «Таштекстильшвейторг», «Ташгалантерейторг», «Ташхозторг», Фрунзе савдо маркази, «Чилонзор» Марказий универсал магазини, «Узспортторг» болаларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши, ижод қилиши учун керак бўладиган барча молларни харидорлар диққатига ҳавола қиладилар. Малакали мутахассис — консультантлар у ёки бу музика чолғу асбобини танлашда ёрдамлашиб, бу асбобларнинг чалинишини текшириб берадилар. Бошловчи фотоҳаваскорларга эса қандай фотоаппаратни сотиб олиш юзасидан маслаҳат берадилар, улар билан қандай ишлашни тушунтирадилар ва кўрсатиб берадилар.

20 ИЮНДАН 30 ИЮНГАЧА

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ ЎН КУНЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлими ёш китобсеварларга болалар адабиётининг кенг ассортиментини тавсия қилади.

МУЗИКА ЎН КУНЛИГИ — (1 ИЮНДАН 10 ИЮНГАЧА КУНЛАРИДА) сиз болаларга мос келадиган мавзуларда грампластинкалар сотиб оласиз.

15, 26 ИЮНДА, 6 ИЮЛДА МАРКАЗИЙ БОЗОРДА Ўзбекистон ССР Енгил ва маҳаллий саноат министрликлари корхоналари ишлаб чиқараётган буюмлар намойиш қилинади.



Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш корхоналари ўтказадиган савдо-кўргазмасида болалар қулинария ва кондитерлик ноз-неъматлари билан танишадилар, «Ташлимводторг» харидорларга яхна ичимликлар ва музқаймоқлар тавсия қилади.

РЕКЛАМА КАМПАНИЯСИ ЁПИЛАДИГАН 15 ИЮЛЬ КУНИ СОАТ 12 ДА ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

ХУДДИ АНА ШУ КУНИ:

— аттракционлар;

— ёш артистлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларининг чиқиши;

— қадимги ярмаркалардаги каби СССР халқларининг миллий либосларини кийган сотувчилар хизматда бўладилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).



БОЛАЛАР САНДАЛЕТЛАРИ

БОЛАЛАР САНДАЛЕТЛАРИ ҚУЛАЙ, ЕНГИЛ, ЧИРОЙЛИ ТАЙЁРЛАНГАН, УЛАР БОЛАЛАРНИ ҲАРАКАТ ЧОҒИДА ҚИЙНАМАЙДИ.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН

САНДАЛЕТЛАРНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — Марказ-1 квартали, 4-уй;
«Болалар дунёси» — Октябрь бозори;
2 — Марказ-2 квартали, 5-уй;
3— Луначарское шоссеси, 76-уй;
4— Фарҳод ярмаркаси;
5 — Сергели ярмаркаси;
6 — Большевик кўчаси, 6«а»-уй.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).

СОТУВЧИЛИК КЕРАКЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ

10-МАКТАБ МАГАЗИНИДА

БУ КАСБНИ ОЛТИ ОЙДА ЎЗЛАШТИРИБ ОЛИШ МУМКИН.

СОТУВЧИ ДОИМО ШИРИНСЎЗ ВА ЭЪТИБОРЛИ, ВАЗМИН ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛМОҒИ КЕРАК.

МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БОР, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилиш—кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР ИККИ ТИЛДА — рус ва ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойда 63 сўмгача миқдорда стипендия тўланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазинда ўқувчилар товаршунослик, совет савдосини ташкил этиш, экономика, совет ҳуқуқлари билан танишадилар. Амалий машғулотларда эса — ишда фойдаси тегадиган тажриба орттирадилар.

Ўқишни тугатгач битирувчиларга маданий моллар кичик сотувчиси малакаси берилади.

Ўқувчилар айни вақтда кечки мактабда ёки совет савдоси техникумида ўқишлари мумкин.

Маълумотлар олиш учун мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 91-30-10, 53-47-24, 53-47-25.



«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-30-10).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

душанба

4 ИЮНЬ

● МТ I

18.00 «Стадион ҳамма учун».
18.30 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Табиат хавф остида». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «Сибирь ери».
20.00 М. Глинка. «Иван Сусанин» операсининг премьераси.
21.30 «Время».
20.05 «Иван Сусанин» операсининг давоми.
23.40 «Дунё воқеалари».
23.55 «Футбол шарҳи».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳавза».Телефильм.
19.00 «Сиз яратган боғ».
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Зирапча». Бадиий фильм.
23.30 «Хотира ҳақида икки ҳикоя». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
18.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун».
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Дутор ва танбур тароналари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилла — бойлигимиз».
22.20 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 9-серия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Қуёшли ўлка палитраси». Телефильм.
18.25 Врач маслаҳати.
18.40 «Қувиш». Ж. Сименон ҳикояси асосида телеспектакль (рус.).
20.00—20.20 Тошкент янгиликлари.
20.50 «Салом, Феникс», «Джетиган». Телефильмлар.
21.30 МТ II.

сешанба

5 ИЮНЬ

ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.00 М. Глинканинг «Иван Сусанин» операси.
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар.
16.20 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР МФА академиги Е. Н. Мешалкин билан учрашуви.
17.05 И. Брамс. Фортепьяно, икки скрипка, альт ва виолончель ижроси учун фа минор квинтети.
17.55 «Буратино кўргазмаси».
18.25 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Икки фронт: бор ҳақиқат». 2-серия.
20.20 «Касби — терговчи». Тўрт сериялы телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Н. Бессмертновнинг ижодий кечаси.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

14.10 «Драматургия ва театр» Бернард Шоу. 2-қисм.
15.00 «Амояк Бедеян керамикаси». Телефильм.
15.15 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.35—20.30 Леонид Мартинов — «Ер ташвиши». Телефильм.
20.50 «Мактаб ислоҳоти». СССР ПФА президенти М. И. Кондаков сўзи.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳаво варраги учирилган пайт». Телевизион бадиий фильм премьераси (Югославия).
23.10 «Давр, макон, одим». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Табиатни асрайлик». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
11.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар мамлакатида».
18.40 «ЎзССР олий ва ўрта махсус ўқув юртлари — халқ хўжалигига» (рус.).
19.00 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Пушкинхонлик. «Пушкин биз билан».
20.15 «Кимнинг тушига тулпор киради...» Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бригада пудрати — ишимиз кудрати».
22.25 «Оловли йўллар». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм. 10-серия.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10—19.20 «Менинг сахий дадажоним». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.50 «Чинор япроқлари» Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — ЎЗБ... ли кунлар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — ЎЗБ...

КИНО

4 ИЮНЬДА БОШЛАНАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН». **Чайка** (жуфт соатларда, фон 77-06-20. Бегобод соатларда), **Юпитер** (тоқ соатларда, фон 35-24-92), **ВЛКСМ** (жуфт соатларда, телефон 44-52).

«ХАТОЛАРДАН ҲАЙИҚМАЙ ЎТМИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 70-69), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 56-56-75).

«САЛАМАНДРА» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Ҳамза** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ ҲАҚИДА ҲИКОЯ» — **Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, фон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ДОКТОР КАРДОШ!» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 70-69), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 56-56-75).

«САЛАМАНДРА» — **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59), **Ҳамза** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ДОКТОР КАРДОШ!» — **Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, фон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АЙБДОР ДЕВ ТАНИЛГАН ЎСМИР» — Лисунов номидаги соатларда, телефон 66-...

5 ИЮНЬДА БОШЛАНАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН». **Чайка** (жуфт соатларда, фон 77-06-20. Бегобод соатларда), **Юпитер** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ** (жуфт соатларда, телефон 44-52).

«ХАТОЛАРДАН ҲАЙИҚМАЙ ЎТМИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 70-69), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 56-56-75).

«САЛАМАНДРА» — **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59), **Ҳамза** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ДОКТОР КАРДОШ!» — **Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, фон 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АЙБДОР ДЕВ ТАНИЛГАН ЎСМИР» — Лисунов номидаги соатларда, телефон 66-...

СССР ГОССТАНДАРТИ ... Стандартлаштириш ... сулот сифати ва ... тармоғининг раҳбар ... жener-техник ... малакасини ошириш ... иттифоқ институтини ...

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛ... вакант вазифалар... КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛА...

Кафедра доцентлиги ўрин); катта ўқитувчи ... метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати бошқариш.

Конкурс муддати ... июнгача.

Мурожаат учун: ... 700100, Тошкент ... Новополторацкий кўчаси ... уй.

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ... МЕДИЦИНА БИРЛАШМАСИ ЮРТИ

6, 7, 8 июнь куни соат 15.00 дан 18.00 гача ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ.

Адрес: Бағишов 9-уй (10, 48, 97, 88, 108-автобуслар, 2, троллейбуслар, 10, трамвайларнинг «Шаҳарчаси» бекати).

«Ўзбекгидромелиорация» трестининг ЎҚУВ КОМБИНАТИ трестнинг Тошкент ва Новоангрен ГРЭС-лари учун автотранспорт ишлаш учун 3-класли автомобиль ҳайдовчиларини ўрлайдиган курслар ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ... хона билан таъминланади ... ва уларга ҳар ойда ... дан стипендия берилади.

Мурожаат учун: ... Тошкент шаҳри, ... 40 йиллиги кўчаси, ... уй. Телефон 66-09-02.

«Ўзгипротяжпроводсвязь» ... коллективи институт ... Ўринбосари М. М. ... жамоага оғир ... Самад САНДМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия қилади.

«Ташхозторг» ... 22-«1000 хил майда-чуйда» магазини директори ... доятовга отаси Ғулом ҲИДОЯТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50

4 ИЮНЬ, 1984 й. Р—14049. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10